



COURSE: CORPORATE GOVERNANCE
LECTURE 7. DISCLOSURE OF INFORMATION IN CORPORATE GOVERNANCE

HOME WORK WITH ANSWERS
XUSAINOV SH. PhD

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ - ФАНИ
7 – МАВЗУ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВДА АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

УЙ ВАЗИФАСИ ЖАВОБЛАРИ БИЛАН
ХУСАИНОВ Ш., и.ф.н., доцент

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИНГИЗ КЕРАК:

1. Корпоратив бошқарувда ҳисобдорлик нимани англатади ва у қандай амалга оширилади?

Жавоб. Ҳисобдорлик корпоратив бошқарувда ижроия ва назорат органларининг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши ва ўз вақтларида ҳисобот беришларини таъминловчи муҳим принцип ҳисобланади. Ушбу принцип компаниядаги кузатув кенгаши, директор ва бошқарув аъзоларининг жамият манфаатларини кўзлаб ишлашларини талаб қилади. Ҳисобдорликдаги асосий элементлардан бири – жавобгарликдир. Жавобгарлик шундай ташкил қилинади: агар қарор жамиятга зарар келтирса, қарор қабул қилган барча аъзолар солидар жавобгарликка тортилади. Агар аъзо қаршилик кўрсатган ёки қарорга овоз бермаган бўлса, унинг жавобгарликдан озод бўлиши мумкин. Бу принцип манфаатдор шахсларга компания фаолияти ҳақида ишончли маълумот тақдим этиш орқали бошқарувнинг шаффоф ва масъулиятли бўлишини таъминлайди.

2. Ахборотларни ошкор этишнинг мақсади ва усуллари нималардан иборат?

Жавоб. Ахборотларни ошкор этишнинг асосий мақсади манфаатдор шахсларга компания фаолияти, молиявий ҳолати, ишлаш натижалари ва инвестиция имкониятлари ҳақида ишончли маълумотларни тақдим этишдан иборат. Бу шаффофлик, компаниянинг молиявий барқарорлиги, ва инвестиция муҳитини яхшилайдди. Ахборотларни ошкор этишнинг



асосий усулларига корпоратив ахборотлар ягона портали, фонд биржасининг расмий веб-сайти, акциядорлик жамиятининг корпоратив веб-сайти, ва оммавий ахборот воситалари киради. Бу усуллар манфаатдор шахсларга ахборотларни осон ва тез киришини таъминлайди. Ахборотларни ошкор этиш жараёнида қонунчилик талаблари ва компаниянинг ички нормаларига мувофиқ иш тутилиши шарт. Бу талаблар ахборотнинг ишончли ва холис бўлишини кафолатлайди.

3. Ахборот сиёсати нима ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ахборот сиёсати – бу компаниянинг манфаатдор шахсларга тўлиқ ва ишончли ахборотларни ўз вақтида тақдим этишни таъминловчи ҳужжатдир. Ахборот сиёсати орқали компания очиқлик ва шаффофлик принципларига амал қилиб, жамиятнинг ишончини оширади. Ахборот сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборотларнинг доимийлик, тезкорлик, қулайлик, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ҳимояланганлик тамойилларини белгилаш; барча манфаатдор шахсларга ишончли ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш; компания ахборотларининг хавфсизлигини таъминлаш; ва компаниянинг инвестиция жалб қилиш қобилиятини ошириш. Бу вазифалар компаниянинг тижорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва манфаатдор шахсларнинг ишончини сақлаш учун муҳимдир.

4. Акциядорлик жамиятлари корпоратив веб-сайтларида қандай маълумотларни эълон қилишлари керак ва бунинг мақсади нима?

Жавоб: Акциядорлик жамиятлари корпоратив веб-сайтларида жамиятнинг мақсадлари, устави, бизнес-режалари, ривожланиш стратегияси, ташкилий тузилмаси, раҳбарлар тўғрисидаги маълумотлар, аффилиланган шахслар, қимматли қоғозлар, молиявий ҳисоботлар, оммавий тадбирлар, маҳсулотлар ва молиявий таҳлилларга оид маълумотларни эълон қилишлари керак. Бу маълумотларнинг ошкор қилиниши жамиятнинг ишончли ва шаффоф фаолият юритишини таъминлашга, шу билан бирга акциядорлар ва манфаатдор шахслар учун аниқ, ишончли маълумотлар тақдим этишга қаратилган. Шу орқали жамиятлар манфаатдор томонлар билан узлуксиз ва очиқ алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлади, бу эса ишончли инвестиция муҳитини яратишда муҳимдир.

5. Қандай қонунлар ва қарорлар акциядорлик жамиятлари корпоратив веб-сайтларида ахборотларни ошкор қилиш тартибини белгилайди?



Жавоб: Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари корпоратив веб-сайтларида ахборотларни ошкор қилиш тартибига оид қонунлар ва қарорлар бир нечта ҳужжатлар орқали белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 7-апрелдаги ПФ-4609-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 2-июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги асосий ҳужжатлардир. Ушбу қарорларга мувофиқ, жамиятлар корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни кўзлаб янги талабларга амал қилишлари лозим. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 31-декабрдаги 355-сонли қарори билан жамиятлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талабларга ҳам мувофиқ бўлиши керак. Бу ҳужжатлар жамиятларнинг ахборотларини ошкор қилишда шаффофликни таъминлаш учун қўлланилади.

6. Қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари эмитент сифатида ахборотларни қандай манбалар орқали ошкор қилишлари шарт?

Жавоб: Қимматли қоғозлар бозорида акциядорлик жамиятлари эмитент сифатида қатор манбалар орқали ахборотларни ошкор қилишлари керак. Биринчидан, эмиссия рисоласи орқали эмитент ўз фаолияти тўғрисида асосий ахборотни ошкор қилиши шарт. Иккинчидан, йиллик ҳисоботларни тайёрлаб, барча манфаатдор шахсларга тақдим қилиш талаб этилади. Шунингдек, эмитент ҳар чораклик ҳисоботларни, яъни биринчи чорак, ярим йиллик ва тўққиз ойлик ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим қилиши керак. Муҳим ўзгаришлар ҳақида эса эмитент тезкор равишда ўз расмий веб-сайтида хабар бериши лозим. Барча ҳисоботлар Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак. Бу ахборотлар манфаатдор шахслар ва акциядорлар учун жамиятнинг молиявий ҳолати ва фаолияти ҳақида аниқ ва кенгроқ маълумотлар олиш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015
2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirezayev S./T.: "Iqtisod-moliya". 2019
3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirezayev S./ T.: “Zebo Print“, 2021



4. -Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A./ Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021